

ҚАРШИ ЧЎЛИНИНГ ТАҚИРСИМОН ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА БАҲОРГИ ВА КУЗГИ БЕДАНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИ

Я. БЎРИЕВ, Р.ЧОРИЕВ, М.МИРАКОВ, Н. ЖУМАЕВ

ЎзПТИ, Қашқадарё филиали, ҚМИИ

Беда қишлоқ хўжалик экинлари орасида ем-хашак сифатида ҳам тупроқ унумдорлигига таъсири жиҳатидан ҳам бошқа барча экин турларидан устунлиги билан ажралиб туради. Биз бу фикрларни янада ойдинлаштириш мақсадида бедани баҳорги муддатда ва кузда экиб унинг кўк масса ва пичан ҳосилдорлиги ва тупроқда қолдирадиган илдиз ва анғиз қолдиқларини унингсўнги ўримидан кейин туп сони ва органик массасини аниқлашни асосий мақсад қилиб дала тажрибаси ўтказилди.

Беда экиш ишлари 2004 йил 9 март куни гектарига 22.0 кг уруғ сарфлаб қўлда бажарилди. Бедани парваришлаш ишлари қуйидагича амалга оширилиб борилди. Беда амали даврида ҳар йили 7 мартадан суғорилди. 2004 ва 2005 йиллар 4 марта, 2006 йили 5 марта ўрим ўтказилди. Ўрими беда гуллаши фазасининг бошланишида амалга оширилди. Уч йиллик ўртача маълумотларга қараганда беданинг бўйи 1, 2, 3 ўримларда бир биридан катта фарқ қилмаслиги аниқланди ёки бу ўримларда ўрим олдида беданинг бўйи тегишлича 77.1-78.3-76.8 см. атрофида бўлиши қайд этилди. Кейинги ўримларда беданинг ўсиш жараёни секинлашиши бўйининг сезиларли даражада паст бўлиб ўсмай қолиш қонунияти борлиги аниқланди. (1 жадвал)

1 жадвал

Баҳорги беданинг йиллар бўйича ўсиш, ривожланиш ва ҳосилдорлиги

Йиллар	Ўримлар бўйича бўйи, см.					Кўк масса ҳосили, ц/га					Жами, ц/га
	1	2	3	4	5	1	2	3	4	5	
2004-1 йил	61.7	69.7	77.1	54.8	-	160.0	207.4	156.8	92.7	-	616.9
2005-2 йил	90.7	89.4	77.9	58.4	-	238.7	227.8	178.3	82.5	-	732.3
2006-3 йил	78.9	76.1	75.5	70.9	39.8	197.4	193.9	167.7	144.5	23.3	726.8

Йиллар	Пичан ҳосили, ц/га					Жами, ц/га	Озиқа бирлиги, ц/га
	1	2	3	4	5		
2004-1 йил	30,5	46,8	36,5	28,3	-	136,3	66,7
2005-2 йил	72,3	69,0	54,0	25,0	-	185,6	90,8
2006-3 йил	49,4	48,5	41,9	36,1	5,8	196,8	96,4

Беданинг кўк масса ҳосилдорлиги унинг ривожланганлиги – бўйи билан бевосита боғлиқ бўлди. Тажриба синовлари ўтказилган барча йилларда ҳам энг баланд бўйли беда 1 ва 2 ўримда кузатилди ва у айниқса беданинг 2 йилги кўрсаткичларида яққол кўринди ва ўртача 90.7 ва 89.4 см.га тенг бўлди. Кўк масса ҳосили ҳам шунга яраша энг юқори (238.7-227.8 ц/га) бўлди. Бу кўрсаткичлар биринчи йили 1 ўримда энг паст (61.7 см.; 160.0 ц/га), 3 йилги кўрсаткичлар оралик ҳолатда (78.9 см.; 197.4 ц/га) эканлиги қайд этилди. Биринчи ўримдаги бундай кескин фарқни беданинг илдиз тизимининг ривожланиши даражаси билан боғлаб тушунтириш мумкин. Кейинги ўримларда ҳам биринчи йили ҳосилдорлик энг кам бўлгани ҳолда иккинчи ва учинчи йил кўрсаткичлари бир бирига яқинлиги аниқланди. Беданинг ўрим олдида бўйи ва кўк масса ва пичан ҳосилдорлигида ҳам бу қонуният сақланиб қолди ёки энг кам кўк масса ҳосили 4 ва 5 ўримларда кузатилдики бу вақтда ўрим олдида беданинг бўйи ҳам паст эканлиги қайд қилинди.. Беданинг биринчи йил ҳосилдорлиги кўк масса ҳисобида энг кам миқдорда бўлиб у 4 ўримда жами 616.9 ц/га тенг бўлди. Иккинчи йили ҳам шунча ўрим ўтказилган бўлсада ўримлардаги ҳамда жами ҳосил ҳам биринчи йилдагидан сезиларли даражада кўплиги (732.3 ц/га) билан фарқланди. Учинчи йилда кузнинг кеч келиши об-ҳавонинг иссиқ келиши беданинг ривожланишини давом этишини таъминлади ва бу йил жами 5 ўрим ўтказилди ва шу сабабли

бўлса керак ҳосилдорлик иккинчи йилдагига жуда яқин (726.8 ц/га) бўлди. Ёки биринчи йилдагидан 109.9 ц/га кўп, иккинчи йилдагидан бор йўғи 5.5 ц/га кам бўлди холос. Беданинг кўк масса ҳосили билан бир қаторда пичан ҳолдаги ҳосил ҳам ҳисобланди. Бу ердаги қонуният ҳам кўк масса салмоғига мос равишдалиги олинган маълумотларда ўз исботини топди. Беданинг пичани ҳам 1, 2, ва 3 ўримларда кўп бўлиши кузатилди. Кейинги ўримлардаги пичан миқдори камайиб бориш тенденцияси кузатилди.

2004 йилнинг кузида экилган беданинг ўримлардаги кўк масса ҳосили биринчи йили ўртача 661.9 ц/га, иккинчи йили 803.2 ц/га, пичани ҳисобида эса йилларга тегишли ҳолда 165- 220.8 ц/га бўлиши аниқланди. Олинган маълумотларга таяниб шу нарсани қайд қилиш мумкинки кузги беданинг биринчи йилдаги ўсиш ва кўк масса ҳосили баҳорги беданинг барча кўрсаткичларидан аксарият ҳолда юқорилиги (69.6 см; 45.0 ц/га) билан ажралиб турди. Кузги беданинг 2 йилдаги кўрсаткичлари баҳорги беданинг шу даврдаги кўрсаткичларидан 70.9 ц/га кўк масса кўп ҳосил тўплаши илмий жиҳатдан ўз исботини топди.. 2006 йилда кузги бедада ҳам 5 ўрим ўтказилиб 1, 2, 3 чи ўримлар бир – бирига яқин 5 чи ўрим ҳосилдорлиги кескин камайиши кузатилди. 4 чи ўрим ҳосили оралик ҳолатда бўлди. Жами 5 ўрим ҳосили 803,2 ц/гани ташкил қилди. Яъни вариантлар орасида сезиларли фарқ кузатилмади. Кузги беданинг иккинчи йил пичан ҳосилдорлиги ўримлар бўйича ҳисобланиб ва у 200,8 ц/гани, озиқа бирлиги эса 97.93, 98.39 ц/гани ташкил қилди.

2 жадвал

Кузги беданинг ўсиш ривожланиши ва ҳосилдорлиги.

Йил	Беданинг ўрим олдида бўйи, см.					Беданинг ўримлар бўйича ҳосилдорлиги, ц/га.					
	1	2	3	4	5	1	2	3	4	5	Жами
2005. беда 1 йил	69.6	76.6	74.0	64.8	-	177.6	206.7	181.7	95.9	-	661.9
2006. беда 2 йил	81.7	77.6	77.2	72.3	41.0	214.0	201.5	190.2	158.1	39.4	803.2

2 жадвал давоми

Йил	Пичан ҳолидаги ҳосилдорлик, ц/га						Озиқа бирлиги, ц/га
	1	2	3	4	5	жами	Пичан
2005. беда 1 йил	44.4	51.6	45.4	24.0	-	165.5	81.1
2006. беда 2 йил	53.5	50.4	47.6	39.5	10.3	200.8	98.39

Аниқланишича сурункали 3 йил парваришланган баҳорги беда тупроқнинг 0-70 см.ли қатламида ўздан кейин 220.3 ц/га, кузги беда икки йилда эса шундай қатламда 214.1 ц/га илдиз ва анғиз қолдиқлари қолдиририши қайд қилинди. Бундай яқинликни асосий сабаби бедани иккинчи йилида ҳаётий илдиз тизимининг кўплиги бўлса учинчи йилги бедада чириган илдизларнинг кўплиги билан боғлаш мумкин. Бундай катта миқдордаги органик қолдиқлар тупроқ муҳитида чириб – минераллашиб тупроқ таркибини бир қадар озиқ моддалар билан бойитади. Пировард натижада издош экинларнинг ҳосилдорлиги ва бошқа кўрсаткичларга ижобий таъсир қилади.

Қарши чўлининг тақирсимон тупроқларида баҳорда экилган бедадан биринчи йили гектар ҳисобига 616.9 ц кўк масса, ёки 136,3 ц. Пичан, иккинчи йилги 732,3 ц кўк масса ёки 185,6 ц пичан, учунчи йили 726,8 ц, ёки 196,8 ц пичан ҳосили олишга эришилган бўлса, кўзда экиб пиваришланган бедалардан биринчи йили (2005) кўк масса ҳисобида 661,9 ц ёки 165,5 ц/га пичан, иккинчи 803,2 ц/га кўк масса ёки 200,8 ц/га пичан ҳосили олинди. Шунингдек баҳорда экилган бедапояларда учунчи йил охирида 220,8 ц/га беданинг илдиз ва анғиз қолдиқлари аниқланган бўлса кузда экилган беданинг иккинчи йили охирида 214,1 ц/га анғиз ва илдиз қолдиқлари аниқланилди. Улар чириб минераллашиб тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий хоссаларини тубдан яхшилаб галдаги издош экинларнинг ҳосилдорлигини ошишига мустаҳкам замин бўлди.

Беда биологик жиҳатдан баҳорги экин бўлсада қиши юмшоқ, қарши чўли шароитида бедани кузда юқори ҳосил ва тупроқни органик қолдиқлар билан бойитиб ўтмишдан экин сифатида тупроқни барча хусусиятларига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлаб бедани кузда ҳам экин парваришлаш ва юқори ҳосил олишни таъминланишини тавсия этиш мумкин.

Калит сўзлар: **БАҲОРГИ, КУЗГИ, БЕДА, КЎК МАССА, ПИЧАН, ҲОСИЛДОРЛИК.**

РЕЗЮМ

Қарши чўлининг тақирсимон тупроқлари шароитида баҳорда экилган беданинг кўк масса ҳосили уч йилда ўртача гектарига 692.0 ц, ёки пичани 172,9 ц. кузда экилган беданинг кўк масса ҳосили икки йилда ўртача гектарига 732.6 , пичани 183,2 ц.ни ташкил қилиб, тупроққа қолдирадиган беданинг анғиз ва илдиз қодиқлари экиш муддатларига мос равишда гектарига 220.8-214.1 ц.ни ташкил этишини таъкидлаб бедани кузи-қиши юмшоқ қарши чўли шароитида бедадан юқори ҳосил олиш ва экинларга мустаҳкам замин тайёрлаш учун бедани кузда экишни тавсия этиш мумкин.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Я. Бўриев, М. Мираков, Т. Бўриев- “Пути улучшения плодородия почвы и урожайности хлопчатника в условиях Каршинской степи.” Фермер хўжаликларида пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари мавзусидаги халқаро илмий- амалий конференция марузалари асосидаги мақолалар тўплами Тошкент 2006 й. 78-81 бетлар.
2. Я. Бўриев “Тупроқ сув ўтказувчанлигининг органик моддаларга боғлиқлиги” –Фермер хўжаликларида пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари мавзусидаги халқаро илмий- амалий конференция марузалари асосидаги мақолалар тўплами. Тошкент 2006 й. 78-81 бетлар.
3. Я. Бўриев ва бошқалар “Беда ва тупроқ унумдорлиги” Тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари мавзусидаги халқаро илмий амалий конференция марузалари асосидаги мақолалар тўплами Тошкент 2007й. 97-99 бетлар.
- 4.Я. Бўриев “Ўтмишдош экинлар ватупроқ унумдорлиги” Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигида сув реурс тежовчи агротехнологилар мавзусидаги халқаро илмий амалий конференция марузалари асосидаги мақолалар тўплами Тошкент 2008й. 2530-253 бетлар.
5. Б.Ҳолиқов, Я. Бўриев, т. Бўриев “Алмашлаб экиш далаларида тупроқнинг агрофизик хоссалари- Пахтачиликдаги долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари мавзусидаги халқаро илмий амалий конференция марузалари асосидаги мақолалар тўплами Тошкент 2009й. 141-143 бетлар.
6. Я. Бўриев “Муттасил ғўза ва навбатлаб экиш далаларида тупроқ унумдорлиги” - Пахтачиликдаги долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари мавзусидаги халқаро илмий амалий конференция марузалари асосидаги мақолалар тўплами Тошкент 2009 й. 143-144 бетлар.